

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШОДМОНКУЛОВ ЗОХИР АБДУРАХИМОВИЧ**

**ЛИНТЕР МАШИНАЛАРИНИНГ ДИСК АРРАСИ ТИШЛАРИНИ  
ИШЛАШ ЛАЁҚАТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА УСТКИ  
ҚАТЛАМИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
АБРАЗИВ ЗАРРАЛАР ОҒИМИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва  
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническом наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Шодмонкулов Зоҳир Абдурахимович**

Линтер машиналарининг диск араси тишларини ишлаш лаёқатини ошириш мақсадида устки қатламининг технологик сифатини таъминлашда абразив зарралар оқими билан ишлов бериш.....3

**Шодмонкулов Зоҳир Абдурахимович**

Технологическое обеспечение качества поверхностного слоя при абразивно-струйной обработке зубьев пильных дисков лентерных машин с целью повышения их работоспособности.....21

**Shodmonkulov Zokhir Abduraximovich**

Technological provide of quality a surface layer at abrasive-jet processing of teeth of saw disks of the linter machines with the purpose of increase of their working capacity.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШОДМОНКУЛОВ ЗОХИР АБДУРАХИМОВИЧ**

**ЛИНТЕР МАШИНАЛАРИНИНГ ДИСК АРРАСИ ТИШЛАРИНИ**  
**ИШЛАШ ЛАЁҚАТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА УСТКИ**  
**ҚАТЛАМИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА**  
**АБРАЗИВ ЗАРРАЛАР ОҶИМИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва**  
**робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т743 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.titli.uz](http://www.titli.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шин Илларион Георгиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий  
оппонентлар:**

**Бахадиров Гайрат Атаханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, к.и.х.

**Етакчи  
ташкilot:**


**Жиззах политехника институти**


Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 й “05” 08 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp [info@edu.uz](mailto:info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).


Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил “30” 07 куни тарқатилди.  
(2020 йил “29” 07 даги № 80 рақамли реестр баённомаси).



  
**Б.Онорбоев**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

  
**А.Гуламов**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

  
**Ш.Хакимов**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёси бўлган табиий толалар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитасининг (ICAC) маълумотларига кўра, Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия, Индонезия ва Покистон<sup>1</sup> пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчилар сифатида тан олинган. Жаҳон миқёсида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш саноатининг барқарор ривожланиши, соҳага замонавий ускуналарни жорий этилиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга асосланган.

Жаҳон амалиётида пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим ўрин тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, энергия ва ресурс харажатларини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ...”<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шу жумладан, пахтани қайта ишлаш машиналари ишчи қисмлари деталларининг юқори сифатини таъминлаш орқали ишончилигини ошириш борасида илмий-тадқиқот олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги вазифалардан бири момиқ ажратиш машиналари арраларнинг ишончилигини оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692–сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш» Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор хорижий олимлар E.Tomsen, Ch.Yang, Sh.Kobayashi, E.M.Trent, X.Opits, I.Armarego, R.X.Braun, S.V.Serensen, Б.А. Кравченко, Д. Папшев, А. А. Маталин, А. Д. Макаров, В. К. Старков, А. М. Сулима ва бошқаларнинг илмий

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

изланишлари, механизмлар ва машиналар деталларининг ишончилигини ошириш ҳамда сифатини яхшилашга бағишланган.

Технологик машиналар ишчи қисмларининг деталларини тайёрлашда мустаҳкамлик хусусиятларини таъминлаш борасида бир қатор технологиялар таклиф этилиб, республика олимлари Р.Г. Махкамов, И.Г. Шин, Э.М. Абдул-Раззоқов, М.Г.Хамов, А.П.Рогов, А.М. Аҳмедов ва бошқалар ушбу соҳани ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Тадқиқотчилар М.В. Поқрас, П.Т. Махкамов, А.Д. Бекмухамедов, Э.Т. Мақсудов, Э.К. Нуралиев, Б.Й. Кушакеев, Р.Ш. Сулаймонов ва бошқалар томонидан линтер арра тишларининг қирраларини геометрик ўлчамларини ўрганиш ва таққослаш билан боғлиқ қатор муҳим масалаларни, жумладан арра тишларидаги нуқсонларнинг технологик жараёнига таъсирини, пахта чигитларини ва момикни тозалаш технологиясини такомиллаштириш масалалари ўрганилди. Бироқ линтерлаш самарадорлигини ошириш масалалари, арра тишлари сиртларининг фаол ва жадал иштирок этиши бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаганлиги сабабли ўз ечимини топмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация ИОТ-2013-5-28 “Пахтани дастлабки ишлаш машиналари жавобгар деталларини сирт қатламини микрошарча билан динамик мустаҳкамлашдан сўнг квалиметрия бўйича ишга лаёқатлилигини ошириш ва узоқ вақтга чидамлилигини прогноз қилиш” номли инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** арра тишларининг устки қатламини фаоллаштирилган абразив зарралар оқими билан ишлов бериш орқали ишлаш лаёқатини ошириш, линтерлаш жараёнини жадаллаштиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гадир-будирлик баландлиги параметрларини топиш учун аналитик ечим олиш ва абразив оқимли ишлов беришда металлларнинг пластик деформациясининг дислокация кўринишлари асосида деталлар сирт микронотекисликларини шакллантириш механизми ва абразив заррачалар билан ишлов бериш шароитидаги ўзаро таъсирини аниқлаш;

арра тишларига абразив оқимли ишлов бериш режимининг рационал параметрларини танлаш;

сиқилган ҳавонинг босими  $p$  ва абразив зарралар ёрдамида ишлов бериш бурчаги  $\alpha$  ни сирт нотекисликлари баландлигига таъсирини аниқлаш мақсадида тажрибаларни режалаштиришнинг математик усулидан фойдаланиб регрессия тенгламасини тузиш;

атомли кучлар усули ва рентгенли дифракция микроскопияси ёрдамида арра тишлари ён сиртининг микропрофиль параметрларини ўрганиш ва нотекисликларнинг максимал баландлигини ва қадамини аниқлаш;

чигитдан момиқни қириб олишни фаоллаштирилган технологик жараёнини асослаш ва абразив оқимли ишлов беришда юзага келадиган деформациянинг мустаҳкамлаш самарадорлиги таъсирини ўрганиш;

қиёсий ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш, шунингдек, абразив зарралар оқими билан ишлов берилган арра тишларини линтерлаш технологик жараёнига жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 5 ЛП линтер машинаси аррали цилиндрининг арралари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** абразив оқимли ишлов бериш натижасида сирт микрокесимининг шаклланиши ҳосил қилинган, унда арра тишларининг ён сиртини фаоллаштириш учун технологик шароит яратилган ва устки қатламнинг сифатли бўлиши олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқотларда назарий ва амалий механика, қаттиқ жисмлар физикаси дислокациялари назарияси, эластиклик ва пластиклик назарияси, емирилиш ва мустаҳкамлик гипотезаси, атомли кучлар ва рентгенли диффракция микроскопияси усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

абразив оқимли ишлов беришда металлларнинг пластик деформациясининг дислокация асосини ҳисобга оладиган сирт микронотекисликларини шакллантириш механизми ва модели ишлаб чиқилган;

ишлов берилган сиртнинг микропрофиль нотекисликлари баландлигини ҳисоблаш учун аналитик ечим ишлаб чиқилган;

абразив оқимли ишлов беришда режимли параметрларга қараб ғадир-будирлик баландлиги параметрларидаги ўзгаришларнинг мос келиш сабаблари аниқланган;

абразив заррачалар оқими билан тегишли арра тишларининг металл сиртларига ишлов беришда деформациянинг мустаҳкамлаш (чуқурлик ва пухталиқ даражаси) параметрларининг оралиқ қийматлари олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

арра тишларини қора кремний карбиднинг зарралари ҚҚ билан абразив оқимли ишлов бериш жараёнининг юқори самарадорлиги исботланган, нотекисликларнинг баландлик ва қадам параметрлари билан тиш ён томонларини фаоллаштиришга ва чигитларни линтерлаш жараёнини жадаллаштиришга имкон берадиган, созланадиган ва қулай микропрофиль яратилиши билан исботланган;

ишлов берилган арра тишлари билан линтерлаш жараёнида: чигитлардаги тукдорлик 20% га ва механик шикастланиш 25% га камайган;

линтер арра тишларига абразив оқимли ишлов бериш, қулай сирт микропрофилидан ташқари, микрокесиш-тирналишда металнинг пластик деформацияси натижасида мустаҳкамлик даражасининг ортиши ҳисобига линтер арраларининг ишлаш қобилияти икки бараварга ортган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишлов бериладиган сиртга абразив зарралар билан ишлов бериш таъсирини таърифлаш учун физик ва математик моделлар асосли танлови билан тасдиқланиб, назарий ва

тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг мослиги, апробация натижаларини ижобийлиги, абразив оқимли ишлов берилган линтер арралари жорий этилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти ишлов бериш жараёнида йўналтирилган абразив зарралар томонидан шаклланган сирт микропрофиль нотекикликларининг баландликлари ва қадами параметрлари ҳосил бўлиб арра тишларининг ён сиртини фаоллаштириш орқали линтерлаш жараёнини жадаллаштириш ва уни такомиллаштирилиши исботланди.

Олиб борилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, чигитнинг тукдорлиги ва механик шикастланишни камайди, шунингдек абразив оқим билан ишлов берилгандан сўнг арра тишлари устки қатлами деформациясининг мустаҳкамлиги ҳисобига арраларнинг чидамлилигини ортганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илмий натижаларга асосланиб, эркин қаттиқ жисмларнинг урилиши натижасида механик ишлов бериш технологик имкониятлари ўрганилди, хусусан, абразив оқимли ишлов бериш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди:

тишларига абразив зарра қора кремний карбиди билан абразив оқимли ишлов берилган линтер арралари Тошкент вилоятининг Бўка ва Пискент пахта тозалаш корхоналарига жорий қилинди (2019 йил 25 мартдаги 02-18/1854-сонли “Ўзпахтасаноат” АЖ маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида чигитлар сифатининг яхшиланиши (механик шикастланишни 25% га камайиши, тукдорликни 20% га пасайиши) ва линтер арраларининг ишлаш вақтини икки мартабадан кўпроқ ошгани ҳисобига линтерлаш самарадорлиги ошишига эришилди;

арра тишларини микрошарчаларда икки томонлама динамик мустаҳкамлаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинди (“Деталларга абразив зарралар билан ишлов бериш учун аппарати” № FAP 20140159, 2016 й.).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2 та патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этган.




## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг биринчи бобида **“Линтерлаш жараёнини жадаллаштириш йўллари ва пахтани қайта ишлаш машиналари арра тишларини мустаҳкамлаш технологияси таҳлили”** бўйича ишлов бериш методи ва арра тишларини мустаҳкамлаш технологияси, уларнинг ишлаш қобилияти ва узоқ муддат ишлашини ошириш, тишларнинг ишчи майдони сирт қатламини сифат кўрсаткичини яхшилаш ҳисобига таъминлаш, шунингдек диск текислигига нисбатан тишлар қисмини жойлашганлиги ва геометриясини ўзгарганлиги, линтерлаш жараёнини жадаллаштириш бўйича маълумотлар келтирилган. Шу билан бир қаторда, бу ишнинг долзарблиги ва зарурати шунини тасдиқлайдики, ҳозиргача тишлар ён сиртларини фаоллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Машина деталларини абразив оқимли ишлов беришда сирт қатлами сифатини шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш”** бўйича линтер учун арра тишлари ён сиртларига абразив оқимли ишлов бериш жараёнида дислокация асосидаги тасаввур металлларнинг пластик деформациялари, ишлов бериладиган сиртда микронотеkisликларнинг шаклланиш механизминини ишлаб чиқиш масаласига бағишланган.

Механик ишлов бериш усуллариининг таснифига мувофиқ машина деталларининг металл сиртларига абразив оқимли ишлов бериш, эркин абразив билан пардозлашга тегишли, унинг барчаси сиқилган ҳавонинг босими  $p$  остида ёки коррозияга қарши суюқлик (гидроабразив ишлов бериш) таркиби сифатида маълум бир  $\alpha$  бурчак остида ишлов беришга йўналтирилади (1-расм).



1-расм.  $\alpha$  бурчакли эркин абразивларда ишлов бериш (силлиқлаш) усулидаги оқимнинг (ҳаво, суюқлик) схемаси



а – озрок қалинликда ажратилаётган қатлам  $a_1$ ; б – кўпроқ қалинликда ажратилаётган қатлам  $a_2$ .


2-расм. Ишлов берилаётган материални кесувчи (доиравий шаклда) элементда ( $\rho = \text{const}$ ) микроқирқилиш (тирналиш)

металлнинг пластик деформацияси жараёнида содир бўлади. Агар ажратилаётган қатламнинг қалинлиги  $a_2 > a_1$  бўлса, у ҳолда  $A_2 > A_1$ ,  $L_2 > L_1$ ,  $H_2 > H_1$  бўлади. Агар текисликда  $\tau$  ажратувчи силжишдаги кучланиш, ишлов берилаётган материалнинг  $\tau_{\text{сдв}}$  силжишдаги оқувчанлик чегараси ҳақиқий қаршилиқдан ошса:  $\tau \geq \tau_{\text{сдв}}$  абразив заррачаларнинг илгариланма кўчиши қиринди олиши мумкин. Шундай қилиб, абразив заррачалар ишлов берилаётган деталнинг металл сирти билан контактдаги ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган пластик деформацияси, унинг геометрик ва физик-механик параметрлари мажмуаси тавсифланадиган сирт қатламининг якуний ҳолати учун муҳим ҳисобланади.

Металларда пластик деформация жараёни асосан фазовий кристалл панжарадаги дислокацияларнинг индивидуал чизиқли камчиликларини (бузилишларини) силжиш (сирпаниш текислигида кўчиши) орқали амалга оширилади. Металларнинг пластик деформацияси жараёни орқали шундай оқувчанлик чегараси, дислокация зичлиги, Бюргерс вектори, Пуассон коэффициенти, силжиш модули, нормал ва уринма кучланишлар каби параметрлар, микро- ва макротасаввурлар тадқиқотчиларга дислокация назарияси ўз кучининг универсаллиги туфайли боғлашга имкон беради ва бир қатор афзалликларга эга. Металл сиртига дислокацияни чиқиши бир неча силжиш поғаналари кўринишидаги микропрофилнинг шаклланишига олиб келади, бунда ишқаланиш коэффициенти хусусиятига тегишли ташқи ишқаланиш кучини ҳосил бўлишига олиб келади. Силжиш поғаналари баландликлари (3-расм),  $n$  пайдо бўлган дислокация илмоқлари сони,  $\bar{b}$  Бюргерс вектори кўпайтмасига тенг бўлиб, ушбу формула бўйича ҳисоблаш мумкин

$$\bar{b}n = \frac{\pi L \tau (1 - \nu)}{G}, \text{ mm} \quad (1)$$

бу ерда  $\tau$  – силжишдаги кучланиш, МПа;  $\nu = 0,3$  (пўлат учун) – Пуассон коэффициенти;  $G = 0,8 \cdot 10^5$  МПа – силжиш модули;



$h = \bar{b}ns\sin\alpha$  – ишқаланиш сирти нормали бўйича поғана баландлиги;  $\alpha$  – сирпаниш текислигининг оғиш бурчаги;  $\lambda$  – дислокациялар орасидаги масофа;  $\omega$  – дислокация илмоғи кенглиги.

3-расм. Кристаллит сиртида дислокация чиқишидаги поғаналар ҳосил бўлиши модели:

$L$ –дислокация сирпаниш узунлиги, см;  $\bar{b} = 2,5 \cdot 10^{-10}$  м – Бюргерс вектори.

Текисликдаги сирпанишнинг оғиш бурчаги  $\alpha$  ни ҳисобга олиб поғана баландлиги ва нормали бўйича сиртнинг ишқаланиши тузилади

$$h = \bar{b}ns\sin\alpha = \frac{\pi L\tau(1-\nu)\sin\alpha}{G} \quad (2)$$

Абразив оқимли ишлов беришда сирт ғадир-будирлиги микропрофили ҳосил бўлиш жараёнини аналитик ёзиш учун параметр тавсия этилади  $H_{\text{усл}}$  – ишлов берилаётган сирт нотекисликлари шартли баландликлари, сирт ғадир-будирлиги стандарт баландликлари параметрларини бири билан солиштириш мумкин ( $R_{\text{max}}$  – нотекисликлар максимал баландлиги, мкм). Силжишдаги барча

поғаналар баландликлари йиғиндисидан нотекисликлар баландликларини оламит:

$$H_{\text{усл}} = \sum_{i=1}^n h_i = \frac{\pi \Sigma L \tau (1-\nu) \sin \alpha}{G}, \quad (3)$$

бу ерда  $\Sigma L$  дислокация чизигининг умумий узунлиги йиғиндисини ҳосил қилиб,  $\rho_d$  дислокация зичлиги орқали мақсадга мувофиқ ифода этилиб, формуладан аниқланади

$$\rho_d = \frac{\Sigma L}{V}; \quad \Sigma L = \rho_d \cdot V, \quad (4)$$

бу ерда  $V$  – металл билан абразив заррачаларни контактдаги пластик деформацияси соҳасининг ҳажми.

(4) боғланишни ҳисобга олиб, нотекисликлар шартли баландликлари (3) ифодаси қўйидаги кўринишни олади:

$$H_{\text{усл}} = \frac{\pi \rho_d V \tau (1-\nu) \sin \alpha}{G} \quad (5)$$

Шундай қилиб,  $H_{\text{усл}}$  нотекисликлар шартли баландликларини ҳисоблаш учун (5) формула бўйича аввал  $\rho_d$  дислокация зичлигини,  $V$  пластик деформацияси соҳасининг ҳажмини ва  $\tau$  силжишдаги кучланишни аниқлаш зарур.

Ф.Л.Боуден ва Д.Тейбор тадқиқотларига кўра ишқаланишда кучланиш бирламчи контакт атрофидаги шундай кучланишларни статик сингишида пайдо бўлади. Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек деформация жараёнини мослигини ҳисобга олсак, босиб киргизишда стандарт ўлчов қаттиқлиги ҳосил бўладиган жисмнинг мутлақ текис сиртини пластик деформацияси бўйича унинг ҳаракатида ва заррачанинг сингишида дислокация зичлиги тенг деб фараз қиламит. Жумладан, дислокация энергияси ва заррачанинг сингиш ишини тенглаштириб, қўйидагини оламит

$$Nh_c = \frac{G \bar{b}^2 \nu \rho_d}{4\pi(1-\nu)} (1 - \nu \cos^2 \alpha) \ln \frac{1}{\bar{b} \sqrt{\rho_d}}, \quad (6)$$

бу ерда  $N$  – нормал юкланиш (абразив оқимли ишлов беришда урилиш кучини ташкил этувчи нормали);  $h_c$  – заррачанинг статик сингиш чуқурлиги;  $V$  – деформациядаги микроҳажм.

(б) нисбатидан келиб чиқиб  $\rho_d V$  ни (5) формулага қўямиз, қўйидагини оламиз


$$H_{усл} = \left( \frac{2\pi(1-\nu)}{G\bar{b}} \right)^2 \frac{\sin \alpha}{(1-\nu \cos^2 \alpha)} \cdot \frac{N h_c \tau}{\ln \frac{1}{\bar{b} \sqrt{\rho_d}}} \quad (7)$$

Металл сирти бўйича (4-расм) абразив заррачалар билан урилишда контактли ўзаро таъсирдаги кейинги боғлиқликни шундай ёзиш мумкин:

$$P_y = P_{уд} \sin \alpha_y = N; \tau = P_z / A_2 = \frac{2P_{уд} \cos \alpha_y}{R^2(2\theta - \sin 2\theta)}, \quad (8)$$

бу ерда  $A_2 = \frac{1}{2} R^2 (2\theta - \sin \theta)$ ;  $R$  – сферик заррачалар радиуси, mm;  $d$  – контакт эластик пластик диаметри, mm;  $\theta$  – конус чўққисининг ярим бурчаги, rad;  $P_{уд}$  – зарба кучи, N;  $\alpha_y$  – зарба бурчаги, grad.

Шундай қилиб, металлнинг пластик деформацияси ҳақидаги



$A_1$  – контакт сирти;  
 $A_2$  – ариқча кўндаланг кесими.

4-расм. Пластик материал бўйича қаттиқ сферик зарралар тирналиши

фундаментал маълумотларга асосланиб, абразив заррачаларнинг металл тўсиқни урилишида контактли ўзаро таъсир механикаси ва сирт қатламининг сифатини шакллантириш назарияси, линтер арралари тишларининг ён сиртига абразивоқимли ишлов беришда нотекисликлар шартли баландликларини ҳисоблаш формуласи олинди:

$$H_{усл} = \left( \frac{2\pi(1-\nu)}{G\bar{b}} \right)^2 \frac{\sin \alpha}{(1-\nu \cos^2 \alpha)} \cdot \frac{P_{уд}^2 \sin 2\alpha_y}{R^2(2\theta - \sin 2\theta)} \cdot \frac{h_c}{\ln \frac{1}{\bar{b} \sqrt{\rho_d}}} \quad (9)$$

бу ерда  $h_c$  – статик сингишнинг максимал чуқурлиги,  $u$  оқимнинг ўртача босими ( $\sigma_T$  физик оқувчанлик чегараси) ёки сингиш қаршилигининг ўртача босими доимий эканлиги тахмин қилинаётган, ишлов берилаётган муҳитдаги

сферик заррачаларнинг ҳаракат тенгламасидан келиб чиқади:

$$h = v_0 D \sqrt{\frac{\rho_M}{6\sigma_T}}, \text{ mm} \quad (10)$$

бу ерда  $\rho_M = 7,8 \text{ g/sm}^3$  – ишлов берилаётган материал зичлиги;  $\sigma_T = 800 \text{ МПа}$  – У8Г пўлатнинг оқувчанлик чегараси;  $p = 1 \dots 4 \text{ atm}$  сиқилган ҳаво босимидаги  $v_0 = 7,83 \dots 15,66 \text{ m/s}$  – абразив заррачалар тезлиги.

Нотекисликлар баландликларини ҳисобланган қиймати, шундай параметрларни ўзгаришидан  $D = 0,6 \dots 1,0 \text{ mm}$  заррача диаметри,  $p = 1 \dots 4 \text{ atm}$  сиқилган ҳаво босими олинган ва шунга боғлиқ бўлган ҳосилавий параметрлар ( $P_{уд}$  урилиш кучи,  $h$  сингиш чуқурлиги,  $\theta$  контакт ярим бурчаги,  $\tau$  силжишдаги кучланиш)  $H_{усл} = 3,28 \dots 11,71 \text{ мкм}$  ораликдаги қийматни ташкил қилди.



5-расм. Тажрибавий (корхонаники) абразив оқим камераси ва уларнинг техник характеристикалари:


- 1) ишчи зонаси ўлчамлари, mm – 1070×1350×1100;
- 2) ишчи босим, МПа – 0,2...0,4 (2...4 atm);
- 3) сиқилган ҳаво сарфи, m<sup>3</sup>/min – 0,6...1,5;
- 4) абразив учун бункер ҳажми, L – 50;
- 5) абразивнинг дастакка етказиш усули – эжекторли;
- 6) ишлаб чиқарувчанлик, m<sup>2</sup>/soat – 5...20

материал сифатида қора кремний карбиди (КК) қабул қилинди. Ушбу материал жуда кўп тарқалган ва саноатда ишлатишга рухсат берилган, металлларга ишлов бериш учун юқори кесиш хусусиятига эга ва узилишдаги кичик ва ўртача қийматдаги мустаҳкамлик чегараси (пўлат, чўян, бронза) бунда пардозловчи доиралар тайёрланади ва қўлланилади. Қора кремний карбидининг асосий физик-механик хоссалари: микроқаттиқлиги – 3300...3600 N/mm<sup>2</sup>; зичлиги – 3,20±0,05 g/sm<sup>3</sup>; шиша бўйича №16 абразив доначанинг сингдирувчанлиги – 0,4; №40 сочилган донача массаси – 1,48±0,05 g/sm<sup>3</sup>; иссиқликбардошлиги – 1300...1400<sup>0</sup> С. 40 доначали қора кремний карбиди абразивида, абразив оқимли ишлов бериш орқали экспериментал тадқиқот ўтказилди. Ишлов бериш режими ва шароити: p=1..4 atm (0,1...0,4 МПа) – ҳаво босими; α=15...60<sup>0</sup> – ишлов бериш бурчаги. Арра материали - У8Г углеродли асбобсозлик пўлати (σ<sub>в</sub>=1150 N/mm<sup>2</sup> вақтинчалик узилиш қаршилиги, δ=6% нисбий узайиш, НРА 67-70 қаттиқлик).

Линтер арра тишларининг ён сирти билан абразив заррачаларнинг контактли ўзаро таъсиридаги кучнинг барқарорлик эҳтимоли, қаралаётган сиртнинг жойлашувига Н<sub>усл</sub> қийматининг ўзгаришини боғлиқлиги, ишлов берилаётган сирт микропрофилининг сифатли ва миқдорий трансформацияланишига олиб келади.

Диссертациянинг учинчи бобида “Абразив оқимли ишлов беришдан сўнг арра тишлари сирт қатламининг ҳолати бўйича экспериментал тадқиқотлар” атомли кучлар ва рентгенли дифрактометрик микроскопиясида замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда линтер арра тишлари ишлов берилган сирти микропрофилининг таркибини ўрганиш натижалари келтирилган. Детал сирт қатлами ҳолатини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар абразив оқимли ишлов беришда шаклланиши, “GAUCH” АЖ (“Технолог” НПО) механик цехида фойдаланилаётган ва ўрнатилган (5-расм) абразив кум оқимли ускунасида олиб борилди.


Диссертация ишида арра тишларига абразив оқимли ишлов бериш учун абразив



1 – У7; 2 – У10


6-расм. α ишлов бериш бурчагидан кейин меъёрлаштирилган ва тобланган пўлатнинг Δm ейилишга боғлиқлиги

6-расмдаги графикда танланган  $\alpha=45^0$  ишлов бериш бурчаги берилганини ҳисобга олиб, максимал ейилишини, жумладан, линтер арра




1 – ҳаво босими  $p=2$  atm;  
2 – ҳаво босими  $p=4$  atm

7-расм. Линтер учун аррали диск тишларига абразив оқимли ишлов беришда  $\alpha$  зарбалаш бурчаги зарба остида  $H$  нотекисликлар баландлиги боғлиқлиги



1 – зарбалаш бурчаги  $\alpha=30^0$ ;  
2 – зарбалаш бурчаги  $\alpha=60^0$

8-расм. Линтер арра тишларига абразив оқимли ишлов беришда  $p$  ҳаво босими остида  $H$  нотекисликлар баландлиги боғлиқлиги



1 - чипи (асосли); 2 – таянч (консоль); 3 – зондловчи игна;  
4 – лазер детектирлаш тизимлари; 5 – детектирловчи фотодиод тизимлари  
9-расм. Атомли кучлар микроскопиясининг зондли датчиги қурилмаси

тишлари ён сиртини фаоллаштириш учун мақбул микропрофилдан фойдаланилди.

Тажрибаларни режалаштиришнинг математик усулидан фойдаланиб, линтер арра тишларига абразив оқимли ишлов беришда, асосий режимли характеристикасидан ғадир-будирлик баландликлари параметрларини аналитик боғланишини ёритиш учун тадқиқотлар олиб борилди. Кирувчи параметрлар сифатида қабул қилинди:  $p$  босим, atm;  $\alpha$  ишлов бериш бурчаги, град. Ишлов бериш вақти 2 дақиқага тенг бўлди ва давомий қолди. Чиқувчи параметр – нотекисликлар шартли баландлиги  $H$ , мкм.

Тажриба маълумотларини қайта ишлаш натижасида кодланган ўзгарувчилар билан регрессия тенгламаси олинди

$$y = 1,85 + 0,15x_1 + 0,3x_2 + 0,25x_1x_2, \quad (11)$$


$x_1$ ,  $x_2$  омилларни кодланган қийматлардан табиий ҳолатга ( $p$  босим,  $\alpha$  ишлов бериш бурчаги) ўтказгандан сўнг шу шаклни олади

$$H = 2,3 - 0,35p - 0,03\alpha + 0,017p\alpha, \text{ мкм} \quad (12)$$


(11) тенгламанинг адекватлиги тасдиғидан (7-расм, 8-расм) линтер арра тишларига абразив оқимли ишлов беришда, нотекисликлар баландликларини ҳисоблаш учун уни ўзгартирилган формуладан қандай фойдаланиш имконини беради.  $p=4$  atm босимда ва  $\alpha=60^0$  ишлов бериш бурчагида  $H=1,47...3,18$  мкмни ташкил этганлиги, нотекисликлар баландликларининг ҳаққоний ўсиши, куч омилнинг ( $p$  - ҳаво босими) ортиши графикда кузатилган.

Ўз. Рес. ФАнинг кимё ва полимерлар физикаси институти лабораториясида Agilent – 5500 сканирловчи зондловчи микроскопи ёрдамида абразив оқимли ишлов берилган сўнг металл сирти структурасини ўрганиш учун атомли кучлар

микроскопиясидан фойдаланилди. Ишда 145 kHz частотали эгилишдаги бикрлиги  $9,5 \text{ N/m}^2$  га тенг кремнийли кантилевер қўлланилди, у (9-расм) атомли кучлар микроскопиясининг зондли датчик қурилмасига киради, сирт



10-расм. Ишлов берилмаган тиш ён сирти сканирланган профили, сканирлаш узунлиги 49,8 мкм



11-расм. Абразив оқимли ишлов берилгандан кейин линтер арра тишлари ён сирти сканирланган профили (босим  $p=3 \text{ atm}$ , зарба бурчаги  $\alpha=45^\circ$ )

массаси билан контактлашганда фаоллашишга қодир эмас ва қолган момикларни қўшимча қиришда иштирок этмайди, чунки пахта толасининг  $d$  кўндаланг ўлчами билан маҳаллий контактли майдон ўлчамига тўғри келмайди ва металл сирти нотекисликлари билан момикларнинг ўзаро таъсири схемаларининг таснифига мувофиқ  $S/d > 1$  ҳолатлар мавжуд. Линтер учун арра тишлари ён сиртига абразив оқимли ишлов бериш натижасида сирт сканирланган профилини бошқа сифат ва миқдор тасвири олинган (11-расм). Нотекисликлар баландликлари максимал қийматлари 49,8 ва 69,7 мкм сканирланган узунлик чегарасида қайд этилди, 2,68 ва 2,64 мкм мос равишда тенг бўлиб, бу ишлов берилмаган тишларга қараганда кўпроқ.


Абразив оқимли ишлов беришнинг асосий натижаси сирт микропрофили нотекисликларининг чўққилари бўйича сезиларли қадами, ( $S > 20 \text{ мкм}$ ) ишлов берилмаган тишларни тегишли қадамидан ва пахта толаси билан солиштирилганда бир неча барабар ортиқ. Шундай қилиб, ишлов берилган сирт микропрофили ( $S/d \geq 1$ ) тишлар ён сиртини фаоллаштириш учун мақбул шароит яратади ва линтерлаш жараёнида улар жалб қилинади.

Линтер арра тишларини дастлабки ҳолатини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар Тошкент юқори технологиялар ўқув-экспериментал марказидаги рентгенли дифрактометрда EMPYREAN XDR (тури XDR – 6100,2 kWt) ўтказилди. Линтер арра тиши чўққисининг сканирланган профили (12-расм) рентгенли дифракция микроскопияси методида олинди. Арра тишларининг зарурий сифати сирт қатлами структурасига нисбатан бир жинсли ва микроёриқлар мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот беради. 13-расмда линтер арралари ён сирти иккита ўзаро перпендикуляр йўналиш орқали маълум нуктада ҳар хил траектория узунлигида (суратдаги ёрқин чизик) сканирланган майдон кўрсатилган.

микропрофилини юқори рухсат берилган сезувчанликда фарқлаш ва юқори аниқликда тасвирлаш, шунингдек ўрганилаётган сиртни компьютер экранида лаҳзада кўриш мумкин. 10-расмда тишлари ён сиртига абразив оқимли ишлов берилмаган сканирланган микропрофил тақдим этилган. Микропрофиль таҳлили мос равишда узунлиги 49,8 мкм, нотекисликлар максимал баландлиги  $H=0,143 \text{ мкм}$ , нотекисликлар чўққилар бўйича ўртача қадами  $S=9 \text{ мкм}$ ни кўрсатди. Линтерлашда шунга ўхшаш сирт микропрофили пахта чигитининг



12-расм. Рентгенли дифракция микроскопияси методида сканерланган линтер арралари тишини чўққисининг микропрофили



а) б)

горизонтал бўйича а) – 104,8 мкм;  
вертикал бўйича б) – 106,9 мкм

13-расм. Линтер арралари тиши чўққиси ва унинг яқини ён сирти микропрофили сканерлангани ва горизонтали бўйича сканер узунлиги билан сирт ўта нотекисликларни профилограммаси

бўшлиққа тушиши орасидаги қиймати:  $d_p$  – пахта толасининг ҳисобий диаметри,  $\mu\text{m}$  эга бўлади. Чизиқли зичлиги  $T=0,13\dots0,22 \text{ teks (mg/m)}$  бўлган пахта толасининг ҳисоблаш диаметри аниқланди ва қуйидаги формула бўйича бажарилди:

$$d_p = 0,0357 \sqrt{\frac{T}{\delta}}, \text{ mm} \quad (14)$$

бу ерда  $\delta$  – элементар пахта толасининг ўртача зичлиги бўлиб, у  $0,9 - 1,3 \text{ mg/mm}^3$  га тенг.

Пахта толасини  $\delta$  зичлиги ва  $T$  чизиқли зичлиги нисбатининг боғлиқлиги келтирилган ораликлар учун пахта толасининг ҳисобланган қиймати  $11,3\dots17,7 \text{ мкм}$  қийматдаги ораликда бўлади. Чунки  $d_p$  тола диаметри нотекисликлар учлари қадамидан  $S$  кичик, доимий айланишдаги арралар пахта чигити сиртидаги момиқнинг бир қисмини қириб олишида ёнма-ён нотекисликлар баландликлари орасидаги бўшлиққа тушиб қолиши, унинг тукдорлиги камайишига олиб келади ва линтерлаш жараёнини жадаллаштиради. Пахта чигити ишлов берилмаган арра тишлари билан бир марта ишқаланиб контактлаштирилгандан сўнг

Ишлов берилмаган тишлар сиртидан олинган баландлик ва қадам микропрофиль параметрлари пахта толасининг кўндаланг ўлчами билан тенглаша олмайди, шунинг учун фаоллаштириш иложсиз. Линтерлаш жараёни моҳиятига асосланиб, арра тишларининг ён сиртини фаоллаштириш усуллари сирт микропрофилини экспериментал тадқиқот маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиб, технологик шартини тузамиз:

$$S \geq nd_p, \text{ мкм} \quad (13)$$

Линтер арра тиш ён сирти фаоллашиши ҳисобига линтерлаш жараёнини жадаллаштириш мумкин бўлган имкониятларни характерлайди. Бунда аниқловчи ролига нотекисликларнинг баландликлари бўйича ўртача қадами  $S$  ва  $n=1,2,3,\dots$  - толалар сони, сирт нотекисликларининг тиқилиб ёнма-ён



а)




б)

(а) ишлов берилмаган;  
(б) абразив оқимли ишлов берилган

14-расм. Линтер аррали диск тишларини қамраб олиш усули (14,а-расм), кутилганидек





1 -  $p=2$  atm; 2 -  $p=3$  atm; 3 -  $p=4$  atm; 4 -  $H_n$  дастлабки ҳолатда, 3560 МПа га тенг. Абразив ишлов бериш бурчаги  $\alpha=45^\circ$ ; ишлов бериш вақти  $t=2$  min.  
15-расм. Абразив оқимли ишлов беришда У8Г пўлатнинг  $p$  босим билан боғлиқлиги сирт қатламининг  $h_n$  чуқурлиги бўйича  $H_n$  микроқаттиқликни ўзгариши

асосан тишларнинг қирраларида тўпланади. Абразив оқимли ишлов берилгандан сўнг (14,б-расм) тишларнинг ён сиртида кўп миқдорда толалар тўпланганлиги кузатилади, шунингдек тишлар сиртида шакллангандир микропрофиль нотекикликлари фаоллашиши бу ҳақиқатда аниқ исботланди.

Металл сиртларига абразив оқимли ишлов бериш, доимгидек механик ишлов бериш жараёни, пластик деформация шартини амалга оширишда, мустаҳкамлик деформацияси (пухталаш) самараси муқаррар содир бўлади.

Микроқаттиқлик  $H_n$  махсус намуна-қия микрошлифда (қия қирқим) аниқланиб, аррадан қирқиб олинган ва сирт қатламининг

ҳар хил чуқурликдаги микроқаттиқлигини ўлчаш учун ПМТ-3 приборида олмосли пирамидада юклаш қиймати 0,98 N га етди,  $p=4$  atm ҳаво босимида ўлчанганда  $H_n^{max} = 4420$  МПа ( $N/mm^2$ ) максимал қиймати 24,2% ташкил этди, дастлабки микроқаттиқлик  $H_n^{исх} = 3560$  МПа эди. Пухталаш чуқурлиги  $h_n$   $p=4$  atm да 0,162 mm га тенг.  $p$  босимни ошириш билан пухталаш даражаси ва чуқурлик ҳам ошади (рис.15): босим  $p=2$  дан 4 atm гача ошганда микроқаттиқлик  $H_n$  4020 дан 4420 МПа гача ошади, пухталаш чуқурлиги эса  $h_n$  0,13 дан 0,162 mm гача ошади. Шундай қилиб, ишлов берилган сиртга абразив зарралар таъсир кучининг ошиши ҳаво босимининг ортиши сабабли, пухталаш даражасининг қиймати  $U=12,9$  дан  $U=24,2$  % гача ошади, пухталаш градиентининг қиймати 99,23...149,38 %/mm мос равишда оралиқда бўлади.

Линтер арра тишларининг сирт қатламини пухталаш, улардан фойдаланиш шароитида абразив ейилишга қаршилигини ошишига имкон яратади, чунки бу линтерлар учун жуда муҳим, техник регламентга (белгиланган вақтга) кўра, линтер аррасининг ишлаш қобилияти жин арраси билан солиштирилганда камроқ ва уларга бўлган эҳтиёж жин арраларига қараганда анча катта.

Тўртинчи бобда “Абразив зарралар оқими билан ишлов берилган линтерлар учун арраларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ишлаб чиқаришда синаш” арра тишларига абразив оқимли ишлов берилган корхона линтер арраларини ишлаш қобилиятини ишлаб чиқариш маълумотлари натижалари билан солиштириш. Тошкент вилоятининг Пискент пахта тозалаш корхонасини жин-линер цехида 5ЛП линтерига, абразив оқимли ишлов берилган линтер арралари ўрнатилди. Ишлаб чиқариш синовлари линтер арраларида кўлда терилган С-6524 селекциясининг намлиги 9% ½ навли пахта хом ашёсидан жинлашдан сўнг олинган чигитда ўтказилди. Синов дастурига мувофиқ арра тишларига қора кремний карбидли абразив зарраларни йўналтириш орқали ишлов берилган

ва ишлов берилмаган иккита линтер бир вақтнинг ўзида (бир варакайига) ишга туширилди (16-расм).



а) – ишлов берилмаган (корхонаники);  
б) – абразив зарралар оқимида ишлов берилган

16-расм. Линтер учун аррали дисклар

Чигитнинг ва момикнинг сифатини (учта намунадан) ўртача кўрсаткичлари таҳлил қилиганда, тишларига аввалдан абразив заррачалар билан ишлов берилган линтер арралари муҳим афзалликларни кўрсатди, бу эса яратилган қулай микропрофиль туфайли тиш ён сиртларини фаоллашишига ёрдам беради (жадвал).

Жадвал

Чигит сифатини лаборатория текширувининг таққослаш натижалари

№ т.р.	Чигит кўрсаткичлари номи	Олиб борилган текширишлар	
		Тажриба арралари	Корхона арралари
1.	Механик шикастланиш, %	0,9	1,2
2.	Ифлосланиш, %	0,2	0,2
3.	Намлик, %	7,8	7,8
4.	Тукдорлик, %	5,5	6,8

